

ШАРТНОМА № 21 /ТХ

Мавжуд бино иншоотни (конструкцияни) техник кўрикдан ўтказаш буйича

31.01.2022 йил

Термиз шаҳри.

Сурхондарё вилоят қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси, бундан буён «Иш бажарувчи» деб аталувчи, раҳбари Б.Назаров, Низом асосид иш юритувчи томондан ва «Тошкент Тиббиёт академияси Термиз филиали» бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи директори Ф.А.Отамурадов Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида иш юритувчи иккинчи томондан қуйидагилар туғрисида шартнома туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1 «Иш бажарувчи», «Буюртмачи» томонидан буюртма қилинган Тошкент Тиббиёт академияси Термиз филиали ҳудудида жойлашган 3 сон ўқув биносини техник текширувдан ўтказиб хулоса бериш иш ҳажмини бажариб беради, «Буюртмачи» эса иш ҳажми буйича бажарилган (хизматлар) ишларини қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида бюджетдан маблағ ажратилгандан сўнг кўрсатилган лимит доирасида туловларни амалга оширади.

№	Иш (хизмат)лар номи	Нархи	ККС 15 %	Умумий суммаси (ККС билан)
1	Тошкент Тиббиёт академияси Термиз филиали ҳудудида жойлашган 3 сон ўқув биносини техник текширувдан ўтказиб хулоса бериш.	1 277 504	191 625	1 469 129
Жами		1 277 504	191 625	1 469 129

2. Бажариладиган иш ҳажмининг нархи ва умумий қиймати

2.1 Бажариладиган иш ҳажмининг умумий қиймати Республикаимиз миллий валютаси сума белгиланади.
 2.2 Шартнома умумий суммаси 1469129 (Бир миллион тўрт юз олтинчи тўққиз минг бир юз йиғирма тўққиз) сўми ташқил қилади.
 2.3 Бажариладиган ишнинг қиймати, нарх ошганлиги натижасида хабардор қилиб, узгарган нарҳини асослаган ҳолда иш бажарилади.
 2.4 «Буюртмачи» узгарган нархлар асосида қўшимча туловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида шартномага қўшимча қилишувлар тузилиши асосида амалга оширади.

3. Тулов шартлари

3.1 Шартнома умумий қийматининг 30% и миқдорда 10 банк кунда «Иш бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига олдиндан туловни амалга оширади.
 3.2 Тулик хизматлар (ишлар) бажарилгандан сунг бажарилган ишлар далолатномаси (ҳисоб фактура)асосида 10 банк кунда қолган 70% тулов «Иш бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига утказиб берилади.
 3.3 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Иш бажарувчи» шартномада курсатилган иш ҳажмини бажармасликка ҳақли булади.
 3.4 «Буюртмачи» туловларни бажарилган иш (курсатилган хизмат, акт далолатномаси, ҳисоб-фактура)га асосан шартномадаги умумий суммадан чиқмаган ҳолда амалга оширилади.

4. Ишнинг бажарилиш тартиби

4.1 Шартноманинг умумий суммасидан чиқмаган ҳолда «Иш бажарувчи» шартномада курсатилган ишларни тулик бажариши шарт.
 4.2 Шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблағлари «Иш бажарувчи» нинг ҳисобрақамига утказилгандан сунг 1 ой муддатда шартномада курсатилган иш (хизмат)лар бажарилиши лозим.
 4.3 Бажариладиган иш ҳажми шартноманинг умумий суммасидан ошса «Буюртмачи» ва «Иш бажарувчи» томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида бюджет маблағлари доирасида узгартириш киритиши ёки бекор қилиниши мумкин.
 4.4 Шартномада курсатилган иш ҳажмини «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га топширгандан сунг иш тулик бажарилган ҳисобланади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 «Иш бажарувчи» мажбуриятлари:
 • Олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг, шартномада курсатилган иш ҳажмини бажарилиши бошлайди.
 • «Иш бажарувчи» ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.
 • Иш жараёнида «Буюртмачи» аниқланган камчиликларни уз вақтида бартараф этиб боради.
 5.2 «Буюртмачи» мажбуриятлари:
 • Бажарилган иш ҳажмини қабул қилиб олгунча «Иш бажарувчи» иштирокида бажарилган ишни обдон куздан кечиради ва унинг сифатига яроқчилигига эътибор беради;
 • Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлса, «Буюртмачи» қабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини қайтадан тулик, сифатли, бажариб беришнинг талаб қилишга ҳақли булади.
 • Бажарилган иш ҳажми «Буюртмачи» томонидан тулик қабул қилиб олингандан сунг «Иш бажарувчи» га шартномада курсатилган сумманинг қолган қисмини тулик утказиб бериши шарт.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада курсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва 29.08.1998-йилдаги 670-16-сонли «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси туғрисида» ги Қонунининг 25-32 бандлари буйича жавобгар буладилар.
 6.2. Туловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган хар бир кун учун 0.04% миқдорда, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тулайди.
 6.3. Шартномада курсатилган иш ҳажмини уз вақтида бажарилишини кечиктирилганлиги учун «Иш бажарувчи» кечиктирилган хар бир кун учун 0.05% миқдорда, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тулайди.
 6.4. Шартномада курсатилган иш ҳажмлари «Иш бажарувчи» нинг ҳатоси билан содир қилинганда «Бажарувчи» ушбу ҳато ва камчиликларни ўз ҳисобидан «Буюртмачи» нинг иштирокисиз хал қилинади. Яъни ўз ҳисобидан ишни бажаради.
 6.5 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.
 6.6 Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама узгартириш киритишга йул қуйилмайди.

7. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома буйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.
 7.2. Томонлар уртасида шартномани тузишда, бажарилишида, узгартириш ва бекор қилишда стқазилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар оғохлантиришда даъво хатлари тартибида, агарда муроасага келинмаганда вилоят Иқтисодий Суди орқали хал қилинади.

8. Қўшимчалар

8.1. Икки томоннинг узаро ёзма қелишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва қўшимчалар қонуний қучига эга булади. Узгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг мухир ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.
 8.2. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва махсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос булади.
 8.3. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортқича бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

9. Форс- мажор

9.1 Агар шартнома тузилгандан сунг икки томон уз мажбуриятларини гайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тула ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайди.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати

10.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб қучига қиради ва 31 декабрь 2022 йилгача амалда булади.
 10.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб икки томон учун ҳам тенг қучига эга бўлиб банк ҳисоб-китобларини амалга оширишга асос булади.

11. Томонларнинг юридик манзили

«Иш бажарувчи»

Сурхондарё вилоят қурилиш соҳасида
 ҳудудий назорат инспекцияси
 Термиз ш. Тараққиёт кўчаси 42-уй, тел.:224-09-50
 ХҲР 2021 0000 2003 6178 1001
 ИНН: 201317484 ОКҚД 71120, МҲО: 01001
 «Ҳаққор бағи» Термиз бўлими
 Б.Назаров
 (имзо)

«Буюртмачи»

«Тошкент Тиббиёт академияси Термиз филиали»
 Ф.А.Отамурадов

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
TERMIZ FILIALI

Manzil: Termiz shahri, I. Karimov ko'chasi, 64-uy.
 Tel: (+99876) 223-42-20
 Sh.h.v: 400 910 260 22 40 130 241 000 54 00 1
 INN: 305311179, OKONX: 85420
 O'zb. Resp. Moliya vazirligining G'aznachiligi
 h/r: 23402000300100001010
 INN: 201122819, MFO: 00014
 Toshkent shahri - OKONX

31.01.2022 Т.А. Термиз - юрист Умаров